амалий қўллаш тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва самарадорлиги оширишига олиб келиши кўрсатилган.

**Калим сўзлар:** даволаш-ташхислаш жараёни, тиббий ташхислаш, билимлар базаси, қарорлар қабул қилишига кўмаклашиш тизими, модель, алгоритм.

**Аннотация:** В статье предложена система поддержки принятия решений в лечебно-диагностическом процессе через модель формирования базы знаний, система поддержки принятия решений в диагностике заболеваний, использованием нечётка-производственных каскадных моделей и его алгоритма на основе симптомов и синдромов заболевания. Показано, что разработка медицинских информационных систем с использованием данной модели и ее алгоритмов при практическом применении повышает точность диагностики заболеваний путем оказания помощи врачам для принятия диагностических решений при оказании неотложной медицинской помощи приводящий к повышению качества и эффективности оказания медицинской помощи.

**Ключевые слова:** лечебно-диагностический процесс, медицинская диагностика, база знаний, система поддержки принятия решений, модель, алгоритм.

**Abstract:** The article proposes a system for supporting decision-making in medical and prophylactic work through a model for creating a knowledge base, a system for supporting decision-making in diagnosing diseases, using fuzzy-production cascading models and its algorithm based on the symptoms and signs of the disease. It is shown that the development of medical information systems using this model and its algorithms in practical applications improves the accuracy of diagnosis of diseases by assisting doctors to make diagnostic decisions in the provision of emergency medical care leading to an increase in the quality and effectiveness of medical care.

**Keywords:** medical diagnostic process, medical diagnostics, knowledge base, decision support system, model, algorithm.

Республикамизда кам ҳаражатли тиббий хизматларни таклиф қилишда сифатли ўсиш, даволаш-ташхислаш жараёни (ДТЖ) тўлалигича самарадорлигини ошириш учун тиббиёт муассасаларида АКТ илғор қўллаш орқали тиббиёт ахборот тизимларини (ТАТ) яратиш, долзарб ҳисобланади.

Тиббиёт ахборотга боғлиқ бўлган фаолият туридир. ДТЖда моддий оқимлар чекланган, ахборот оқими эса улкан ва мураккаб ташкилланган. ДТЖ иштирокчилари тезкор ҳолатда бир-бирларига бемор ҳақида улкан маълумотларни етказиши керак [8]. Бу айниқса, тез тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларда, нафақат шифокорнинг малакаси, керакли даволаш-ташхислаш базасини мавжудлиги, балки бемор ва унинг касаллиги ҳақидаги тўла маълумотларни ДТЖдаги барча қатнашчиларидан ўз вақтида тезкор олиш, ташхислашни аниқлиги ва самарали тиббий ёрдамни амалга оширишга олиб келишини кўрсатмоқда.

Амалий тиббиётнинг асосий жараёни бўлган ДТЖ ахборот ва интеллектуал кўмаклашишини ташкиллаш, бошқарувни автоматлаштириш – ўзида керакли ва аниқ маълумотларни жамлаган, автоматлаштирилган, қайта ишлаш имкони мавжуд бўлган, беморларни тиббий маълумотларини ва ҳужжатлар алмашилишини электрон шаклда олиб бориш, яъни ДТЖ замонавий АКТ жорий этиш орқали электрон касаллик тарихини (ЭКТ) амалий клиник жараёнга тадбиқ этишдир. Шу билан бирга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар, жумладан «Касалликларни олдиндан аниқлаш, уларни масофадан профилактика қилиш имконини берувчи «Ақлли тиббиёт» ва «Ягона тиббий маълумотлар маркази» концепцияларини мавжуд шароитларга мослаштириш ва тадбиқ этиш...» [1] ва бу вазифаларни ечиш, аҳоли учун тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга, ДТЖ ахборот ва интеллектуал қўллаб-қувватлашни автоматлаштириш имконини берадиган юқори самарали АКТ ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва соғлиқни сақлаш соҳасига амалий тадбиқ этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

ДТЖ бошқаришга йўналтирилган ахборот тизимининг умумий архитектураси, ташкилий элементлари ва қарор қабул қилишга кўмаклашиш тизимининг умумлашган


тузилмаларида бошқарув аппаратининг асосий элементи ҳисобланган хулосалаш механизмини ташкил этувчиси билимлар базаси (ББ), унинг натижавийлигини кўрсатувчи қоидалар ёрдамида ДТЖ ички қонуниятларини келтириб чиқаришга асос бўлувчи қарор муқобилларини ишлаб чиқиш концептуал ва функционал компонентлари асосида амалга оширилади [6, 7].

Ташхислашда хулосалаш механизми учун асосий хомашёни берувчи билимлар ва уларни акс эттириш, унинг ёрдамида ББни шакллантириш, эксперт билимларини акс эттиришнинг анъанавий ва замонавий ёндашувларига қаралганда, интеллектуал тизим мутахассислар учун «билим» тушунчаси, дастур ўзини «ақлли» тутиши тушунилади [2, 3]. Дастурий воситанинг (ахборот тизимлари, автоматлаштирилган тизимлари, бошқарув тизимлари ва ҳ.к.) интеллектуал интерфейс воситалари, билимлар билан ишлаш усулларига таянади: уларни акс эттириш, сақлаш, қайта ишлаш ва бошқалар. «Билим» атамаси ўзида масалани ечиш учун етарли бўлган ахборот жамланмасини мужассамлаштириб, улар қўйидагилардан иборат бўлади:

- Масала ечилаётган предмет соҳаси (ПС) тушунчалари тизими;
- Масала ечилаётган формал моделлар тушунчалари тизими;
- Юқоридаги келтирилган тушунчалар тизимининг мувофиқлиги ҳақидаги ахборот;
- ПС нинг жорий ҳолати ҳақидаги ахборот;
- Масала ечиш усуллари ҳақидаги ахборот.


Шу қаторда ББни ҳосил қилиш орқали машинали ўқитишни амалга ошириб, унинг ёрдамида компьютер ҳамда фойдаланувчи ҳосил қилган тушунчалар ва атамалар тизими орқали тушунарли мулоқот муҳити ҳосил қила олиш имкониятини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ҳар қандай жараён бирор ПС бўйича шакллантирилади ва ушбу ПС талабларидан келиб чиққан ҳолда бошқарилади. ПСнинг концептуал модели ҳосил қилинган, билимлар қамрови белгиланади. Билимлар қамрови учун уларнинг формаллаштириш моделлари аниқланади ва жараён амалга оширилади. Ушбу моделлар ёрдамида ББ ҳосил қилинади.



1-расм. ББни ҳосил қилишнинг ташкилий тузилмаси.

ББ самарали таркиб топтириш, ДТЖ бошқаришни автоматлаштиришда ўзаро ички боғланишга эга бўлган доимий янгиланишларни акслантириб туриш механизми ташкиллантирилади. Жараённи бундай таркиб топтирилиши янги ДТЖ объектларини ҳосил қилиш, унинг ёрдамида ички қонуниятларни юзага чиқариш механизми ишини талаб этади (1-расм). Ички қонуниятлар ББ билан мувофиқлаштирилади ва шифокор-фойдаланувчи сўровлари асосида сақлаш ёки бошқарув функциясини амалга ошириш учун навбатдаги жараёнга юкланади. Бу билан ДТЖ маълумотлар базасида (МБ) тартибланган ахборотлар таркиб шакллантирилади.



2-расм. Билимларни акс эттириш тузилмаси.

Бошқарув тизимлари учун билимларни ҳосил қилиш механизми фойдаланувчи интерфейси орқали ПС бўйича эксперт, билимлар муҳандиси ёки оддий фойдаланувчи томонидан жараён маълумотлари киритилади, ундан билимларни ҳосил қилиш модули ёрдамида билимлар ҳосил қилинади ва ББ билан синхронлаштирилади. Киритилган сўровлар ва мавжуд МБдаги тартибланган маълумотлар мантиқий хулосалаш модули билан мувофиқлаштирилади. Билимларни ҳосил қилиниши ушбу модулар фаолияти натижалари тавсифи ёрдамида ҳам ифодаланади [5]. Юқоридаги билимларни ҳосил қилиш механизмидан фойдаланган ҳолда ДТЖларини ташкил этишда қўл келувчи акс эттирилувчи билимлар номенклатурасини ҳосил қилиб олинади (2-расм). Аввало маълумотлар фойдаланувчи «сўровлари» асосида билимларни акс эттириш механизмига юкланади. У таҳлил вариантлари модули билан мувофиқлаштирилади. ББ ПС бўйича эксперт билимлари асосида маълумотларни таҳлиллаш ва ўқитишни амалга оширади. Таҳлилнинг янги қонунлари мантиқий хулосалаш ва умумлаштириш модули ёрдамида мувофиқлаштирилади. Бу модул маълумотларни мавжуд тузилмавий кўринишда тартиблашни ҳам амалга оширади. Шундан сўнг циклик жараёни навбатдаги босқичларида фойдаланиш учун МБда тартибланади ва сақланади.

Ташхисни қўйишда билимларни акслантиришнинг продукцион модели етарли ҳисобланиб, ташхислашда  $Rel = \{if \text{ (шарт) then (хулоса)}\}$  кўринишидаги қоида-продукцион моделини куриш етарли. Умумий ҳолда продукцион моделни қуйидагича тавсифланади :

$$N = \langle A, U, C, I, R \rangle,$$

бу ерда:  $N$  – продукция номи,  $A$  – уни қўллаш соҳаси,  $U$  – қўллаш шарти,  $C$  – продукция ядроси,  $I$  – муваффақиятли продукцияни шакллантирувчи даслабки шарт,  $R$  – ноформал тушунтириш ёки изох.

Продукцион шаклдаги эксперт тизимлар (ЭТ) таркибига қоидалар (билимлар) базаси, ишчи хотира (ишчи МБ) ва аниқ мантиқий чиқиш механизмини амалга оширувчи қоидалар интерпретатори, шунингдек билимларни тўлдириш ва шакллантириш тизими ҳамда объект ҳолатини ифодаловчи тушунтиришлар (касалликни ифодаловчи симптом ва синдромлардан (касаллик белгилари) иборат шифокор кўруви) киради. Мантиқий хулосалаш механизми ЭТ структурасида қалит элемент ҳисобланади [5]. У тўғри ва тесқари чиқиш алгоритминини амалга оширади ва қуйидагича тавсифланади:

$\langle V, S, K, W \rangle$ ,

Кўплаб турдаги касалликлар учун бу ерда:  $V$  – ББ ва ишчи хотирадаги қоида ва фактларни танлаш процедураси,  $S$  – қоида ва фактларни такқослаш процедураси,  $K$  – қоидалардан фойдаланиш тартибини аниқловчи зиддиятларни ечиш процедураси,  $W$  – фактнинг олинган қийматига мос келувчи ҳаракатларни бажарувчи процедура. Продукцион модел ёрдамида тиббий билимларни шакллантириш  $S$  – қоидаларни улканлиги ва  $W$  – фактга мос келувчи ҳаракатларни турлилиги, моделни бажариш тезлиги ва ишончилигини камайтиради.

Бу моделни продукцион қоидаларини кўрадиган бўлсак.

$$\text{Агар } x_1=A_1 \text{ ва } x_2=A_2 \text{ ва } \dots x_n=A_n \text{ унда } y=B[CF]. \quad (1)$$

Бунда  $x_1, x_2, \dots, x_n$  лар фақат аниқ белгиларни олади ва агар бирор-бир белги мавжуд бўлмаса у чиқиш натижасини олиш имкони бўлмайди.

Бундан халос бўлиш учун яққол аниқ бўлмаган белгилар модели қўлланилади.

$$\text{Агар } x_1=\tilde{A}_1 \text{ ва } x_2=\tilde{A}_2 \text{ ва } \dots x_n=\tilde{A}_n \text{ унда } y=B[CF]. \quad (2)$$

Бу модел аниқ ва яққол аниқ бўлмаган белгиларни қабул қилиши мумкин.

Тиббий ташхислаш масаласида кириш қоидаларидаги белгининг муҳимлигини ҳисобга олиш керак бўлади, бундай ҳолларда ташхис аниқлиги ошади ва унга мос ечим таклиф қилинади. Бунда қоидаларни аниқ бўлмаган продукцион модели ишлатилади [4].

$$\text{Агар } x_1=\tilde{A}_1(w_1) \text{ ва } x_2=\tilde{A}_2(w_2) \text{ ва } \dots x_n=\tilde{A}_n(w_n) \text{ унда } y=B[CF]. \quad (3)$$

Бу модел (2) моделдан, ўзида катта мослашувчанлик берувчи кириш ўзгарувчиларини вазнидан фойдаланишдан ташқари, қолган барча устунликлари бир хил. Бундан ташқари, қоидалар модел (3)ни мантиқий чиқиш алгоритми киришдаги бир ёки бир неча ўзгарувчиларни мавжуд эмаслигига рухсат беради. Бироқ чиқишдаги натижа (ечим) камроқ ишончилилик билан ҳосил қилиниши мумкин.

(1)..(3) моделларни анализ қилиш шуни кўрсатдики касалликларни ташхислашда кўриладиган барча критерияларни қамраб ола олмайди. Бундан кўринадики, касалликларни ташхислаш масалаларини ечиш учун талаб қилинадиган продукцион қоидалар модели ва мантиқий чиқиш алгоритми учун қуйидаги талаблар қўйилади:

1) турли типдаги (бемор ҳолатини ифодаловчи кириш катталиклари сонли, матнли ёки қиёсий катталиклар бўлиши мумкин) маълумотларни қайта ишлаш имконияти;  
2) аниқ ва аниқ бўлмаган маълумотларни қайта ишлаш имконияти;  
3) қоидадаги ҳар бир катталик қийматини вазни ҳисобга олиш;  
4) ҳар бир қоидадан мавҳумлилик (ишончилилик) даражасини ҳисобга олиш;  
5) натижани олиш учун кириш маълумотларини бир қисмини йўқлигини муҳум эмаслиги;

б) ББдан қўшимча далилларни топиш учун “чуқур қидириш” усулини амалга ошириш имконини бериши;

Юқорида келтирилган талабларни қондириш учун касалликларни ташхислашни ягона моделини асоси бўлиб хизмат қилувчи, аниқ бўлмаган продукцион қоидалар модели ишлаб чиқилди. Касалликларни ташхислашни барча талабларини қондирадиган ягона моделини ишлаб чиқиш қуйидаги масалаларни ечишни талаб қилади.

а) ташхислаш объектини (бемор) ифодаловчи катталикларни тўла каскадини шакллантириш учун катталикларни гуруҳлаш усулини ишлаб чиқиш;

б) маълумотларни боғлиқлигини шакллантирувчи аниқ бўлмаган продукцион қоидалар моделини ишлаб чиқиш;

в) каскадли модел қоидаларини мантиқий чиқиш алгоритми ишлаб чиқиш;

Катталикларни гуруҳлаш масаласи усулини расмий шаклини кўрадиган бўлсак, унда ташхислаш объектини ифодаловчи катталиклар тўплами  $\{p_1, p_2, \dots, p_N\} = \{p_k\}$ ,  $k=1, N$  деб олиб. Тасхислаш жараёнини бошқичлар ифодаловчи катталиклар гуруҳи тўпамини  $\{G_1, G_2, \dots, G_m\} = \{G_j\}$ ,  $j=1, m$ , (бунда  $m < N$  ва  $G_j \subset \{p_k\}$ ) кўринишида шакллантириш керак ва ҳосил бўлган гуруҳларни эксперт томонидан аниқланган катталиклар орасидаги боғлиқликлар



йўналишини ҳисобга олган ҳолда иерархияга бирлаштириш орқали катталикларни тўла каскадини  $K\{p_k\}=G_1UG_2, \dots, UG_m=U\{G_j\}, j=1, m$  кўриш керак.

Бунда катталикларни гуруҳларга бирлаштириш учун катталиклар тўплами ва уларнинг қийматлари билан белгиланган манба, маълумотлари жадвали бўлиши керак. Олинган гуруҳлар касалликни алоҳида элементлари учун ташхислашни локал тизимларини қуришда мустақил равишда интеллектуал таҳлил қилиш учун ҳамда каскад билан биргаликда касалликларни ташхислашда бемор ҳолатини аниқлаш учун яратиладиган мураккаб тизимларни қуришда қўл келиши мумкин.

Юқорида берилган (1)..(3) моделларнинг камчиликларини бартараф қиладиган, бир гуруҳ катталикларда боғлиқликларни ифодалаш учун, аниқ бўлмаган белгиларга асосланган продукцион қоидалар модели яратилган. Бу модел қуйидагича ифодаланади.

$$\text{Агар } x_1 = \bar{A}_1(w_1) \text{ ва } x_2 = \bar{A}_2(w_2) \text{ ва } \dots x_n = \bar{A}_n(w_n) \text{ унда } y = B[CF]. \quad (4)$$

бунда  $x_i$  – кириш катталиклари,  $w_i \in [0;1]$  – чеклаш вазни (белгини вазни).

$$\bar{A}_i = \begin{cases} A_i - \text{аниқ кириш қиймати;} & y - \text{чиқиш ўзгарувчиси;} \\ \tilde{A}_i - \text{аниқ бўлмаган кириш қиймати;} & B - \text{чиқишдаги аниқ қиймат;} \end{cases}$$

$$\tilde{A}_i = \{x_i, \mu_{\tilde{A}_i}(x_i)\}, \mu_{\tilde{A}_i}(x_i) - \text{ФҚ; } CF \in [0;1] - \text{қоидани ишончилиги.}$$

Келтирилган аниқ бўлмаган продукцион қоидалар моделни ўзига хослиги қуйидаги келтирилган талабларни бир вақтда бажарилишидадир.

- 1) қоидаларда кириш ёки чиқишдаги маълумотларни турли типда бўлишига қарамасдан қайта ишлаш имкони мавжудлиги.
  - 2) аниқ ва аниқ бўлмаган кириш маълумотларини қайта ишлаш имконияти.
  - 3) қоидаларда хар бир кириш маълумотини ахамиятини (вазнини) ҳисобга олиш.
  - 4) хар бир қоидани ахамиятини (аниқчилигини) ҳисобга олиш.
- Буни қуйидагича мисолда кўрсатиш мумкин (1-жадвал):

1-жадвал. Касалликларни ташхислаш жараёнида продукцион қоидаларни ёзилиши.

Мисол	Қоидани оддий тилда ёзилиши	Қоидаларни модел асосида ёзилиши
1	Агар беморни қорин соҳасида оғриқ бўлса, қоринни пастки ўнг қисмидаги мускулларни таранглиги ва қўл билан ушланганда оғриқ кучайиши, кўнгил айниши ва қусиш, холсизланиш ва тана хароратини юқори, унда беморда ўткир апендицит бўлиш мумкин	АРАГ қорин соҳасида = “оғриқ бўлса” (0,8) ВА оғриқ қоринни = “пастки ўнг қисмида” (0,8) ВА кўнгил айниш = “бор” (0,7) ВА холсизлани = “кузатилди” (0,65) ВА тана хароратини = “юқори” (0,7) УНДА ташхис = “ўткир апендицит” (0,65)
2	Агар беморда ўнг қовурға соҳасини пастки қисмида, ўнг елка, курак ва бел соҳасида оғриқ бўлса, кўнгил айниши ва қусишдан сўнг энгилламаслик, тана хароратини ошиши, терини рангини сарғайиши, умумий холсизланиш, юрак уриш ритминини тезлашиши, артериал босимни ошиши кузатилса унда беморда холецистит бўлиши мумкин	АРАГ қорин соҳасида = “оғриқ бўлса” (0,7) ВА оғриқ = “ўнг елка, курак ва бел соҳасида” (0,9) ВА кўнгил айниш = “бор” (0,7) ВА умумий холсизлани = “кузатилди” (0,7) ВА терини рангини = “сарғайган” (0,72) ВА юрак уриш ритми = “тезлашган” (0,6) ВА артериал босим = “ошган” (0,71) ВА тана харорати = “юқори” (0,7) УНДА ташхис = “холецистити” (0,68)

3	<p>Агар беморда қорин сохасини юқори қисмида тез-тез санчиб оғриқ пайдо бўлиши ва ўнг қовурға сохасини пастки қисмида ва бел сохасига оғриқ бериши билан, оғриқ овқатлангандан сўнг 1,5-2 соат ўтгандан сўнг пайдо бўлиши, очликни хис қилиши, тунда қорин сохасида кучли оғриқ пайдо бўлиши, жиғилдон қайнаши, кекириш, қорини дам бўлиши, кунгил айниши ва қусиш, ахлат рангини қорайиши кузатилса унда беморда ўн икки бармоқли ичак яраси бўлиши мумкин</p>	<p>АРАГ қорин сохасида = “оғриқ бўлса” (0,7)          ВА оғриқ = “тез-тез санчиб” (0,8)          ВА оғриқ сохаси = “ўнг елка, курак ва бел сохасида” (0,8)          ВА оғриқ бошланиши = “1,5-2 соатдан сўнг” (0,9)          ВА тунда оғриқ пайдо бўлиши = “қорин сохасида кучли” (0,8)          ВА жиғилдон қайнаши = “бор” (0,7)          ВА кекириш = “бор” (0,65)          ВА кунгил айниш = “бор” (0,7)          ВА қусиш = “бор” (0,65)          ВА умумий холсизлани = “кузатилди” (0,7)          ВА ахлат ранги = “қорайиш” (0,7)          УНДА ташхис = “ўникии бармоқли ичак яраси” (0,67)</p>
---	---	--

Берилган мисоллардан кўриниб турибдики, касалликларни ташхислаш жараёнида аниқ бўлмаган продукцион қоидалар моделидан (4) фойдаланиш чизикли бўлмаган боғланишларни имкониятини беради.

Касалликларни ташхислаш масалани ечишда (а) катталикларни гурухлаштириш ва (б) аниқ бўлмаган продукцион қоидалар усуллари асосида янада умумийроқ бўлган аниқ бўлмаган каскадли модель усулида ечишга асосланди.

Каскадли моделни касалликларни ташхислашда қўллаш учун асосланган мантиқий алгоритми ишлаб чиқилди. Аниқ бўлмаган продукцион қоидалар моделида (4) мантиқий чиқишларни ташкиллашни ўзига хослигини тушиниш учун қуйидагича кўринишга келтирамиз.

$$R = \frac{\sum_{i=1}^n \mu_{\vec{A}_i}(x_i^*) w_i}{\sum_{i=1}^n w_i},$$

бунда  $x_i^*$ - қоидаларни кириш катталиги қиймати,  $\mu_{\vec{A}_i}(x_i^*) \in [0; 1]$  – ўрнатилган  $\vec{A}_i$  чеклашлардаги  $x_i^*$  кириш қийматларини тегишлилик даражаси, бунда  $\mu_{\vec{A}_i}(x_i^*) = 0$ , агар

$x_i^* \in \emptyset$ ;  $w_i$  – продукцион қоида шарт вазни;  $V = \prod_{i=1}^n V_i \in [0; 1]$  – далилларни ишончилигини баҳолаш.

$C = R \times CF \times V \in [0; 1]$  – қабул қилинган ечимга ишончилиликни баҳолаш.

Қоидалар каскаддаги мантиқий чиқиш алгоритм босқичларини кўриб чиқамиз.

1. Ташхислаш объекти (бемор) бошланғич  $\vec{x}^*$  катталикларини (хोलатини ифодаловчи симптом ва синдромлар) киритамиз.
2. Берилган қоидалардан низоли (*Rule Conflict Set, RCS*) қоидалар тўпламини шакллантириш ва ташхислаш мақсадига жавоб берувчи ББдан қоидаларни ажратиб олиш.
3. Агар 2 қадамда ( $RCS = \emptyset$ ) бўлса унда, масалани ечими топилмади.
4. Агар 2 қадамда ( $RCS \neq \emptyset$ ) бўлса унда, танланган қоидаларни бажарилиши учун дастлабки қоидаларни етарлилиги текширилади.
5. Агар дастлабки далиллар (симптомлар ва синдромлар) етарли бўлмаса, унда фойдаланувчидан кўшимча далилларни киритиш сўралади, агар фойдаланувчидан бундай далилларни олиш имкони бўлмаса ББдан керакли далилларни ишончилигини баҳолаган  $V$  ҳолда излаш амалга оширилади ва топилганини далиллар базасига



кўшилади.

6. RCS даги барча  $R_i$  қоидалар учун уларни комплекс баҳосини  $C_i$  ҳисоблаш бажарилади.
7. Агар  $C_i$  баҳолашларнинг қиймати нол бўлса, унда “ечим топилмади” кўринишида алгоритмдан чиқиш амалга оширилади.
8. Баҳолашларни қиймати нолга тенг бўлмаган ҳолатда масалани ечилиши учун максимал даражадаги  $C_i$  баҳоли  $R_i$  қоидаси танланади.
9. Аниқ ташхисни шакллантириш берилган қоидани натижавий қиймати  $D$  ҳисобланади.

Алгоритм масалани ечими йўқ кўринишидаги тўхтатиш шарти берилмагунча ёки аниқ ташхис кўринишидаги бемор ҳолатини аниқловчи ечим топилмагунча ишлайди. Берилган алгоритмнинг асосий ютуғи: дастлабки кириш маълумотларни маълум қисмларини йўқлиги алгоритм ишига таъсир қилмайди (бемор ҳолатини ифодаловчи баъзи маълумотларни (лаборатория текшируви, ускунали текширувлар) йўқлиги алгоритм ишига ҳалақит қилмайди, фақат ташхисни ишончлилигини камайтиради холос), билимлар базасидан кўшимча далилларни топиш учун “чуқур қидириш” усулини амалга ошириш имконини беришидир (бу усул фойдаланувчи турли сабабларга кўра аниқлай олмаган ёки эътибор бермаган далилларни топиш имконини беради).

Шундай қилиб, мантикий хулосалаш алгоритми билан биргаликда аниқ бўлмаган продукцион қоидалар модели асосида ишлаб чиқилган аниқ бўлмаган продукцион каскадли модель, эксперт шифокор учун бемор ҳолатини ифодалаш, касалликни ташхислаш учун тиббий билимларни шакллантиришдаги асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Бемор ҳолатини моделлаштириш ва касалликни ташхислаш бўйича таклиф қилинган усулни синаб кўриш, ҳамда шифокор эксперт билимларини расмийлаштириш ва фойдаланиш қоидаларининг аниқ бўлмаган продукцион қоидалар моделининг амалий яроқчилигини аниқлаш мақсадида бир қатор тадқиқотлар ва тажрибалар ўтказилди.

Берилган аниқ бўлмаган продукцион қоидалар моделига асосланган алгоритмни абдоминал касалликларни ташхислашда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, модел доирасида шаклланган қоидалар абдоминал соҳада юз берадиган касаллик симптомлари ва синдромлари ёрдамида бемор ҳолатини ва улар орасидаги боғланишларни юқори даражадаги аниқлик билан ифодалаш имконини берди. Қарор қабул қилишга кўмаклашишга мўлжалланган бу модел шифокор эксперт томонидан тиббий ташхислашга мантикий жавоб беради ва унинг интеллектуал фаолиятини босқичларини моделлаштиришга ёрдам беради.

Ушбу мақолада келтирилган касалликларни ташхислашда беморнинг ҳолатини аниқ бўлмаган продукцион қоидалар каскади моделига асосланган касалликларни ташхислашда қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи ягона модель эмас. Бошқа яна бирқанча, статистик ҳисоботларга, ёки нейрон тармоқ моделларини куриш асосланган ёндашувлар ҳам мавжуд. Бироқ олинган натижалардан шуни айтиш мумкинки, келтирилган модель доирасида эксперт қоидаларининг каскадидан фойдаланиш самаралироқ натижалар беришини кўрсатади.

Жаҳонда тиббиётни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммоларидан бири касаллик тури ва даволаш турларининг доимий равишда ошиш шароитларида маълумотларни аналитик қайта ишлаш имкониятининг етишмаслиги ҳамда ташхислаш ва даволаш бўйича тез суратларда тўғри қарор қабул қилишга бўлган талабдир. ДТЖни бошқаришда автоматлаштирилган қарорлар қабул қилишга кўмаклашиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашда ушбу модел ва алгоритм муаммони ҳал қилишга мўлжалланган муҳим йўналиш ҳисобланади.

#### **Адабиётлар**

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
- [2]. Айман М. М., Кхамес Й. Б. Исследование и разработка методов извлечения знаний для создания интеллектуальных систем поддержки принятия решений: Дис. канд. техн. наук : Москва, 2005. 218 с.
- [3]. Алиев Р.А., Алиев Р.Р. Теория интеллектуальных систем. Учебное пособие. - Баку:Чашиоглы, 2001. - 720 с.
- [4]. Катасёв А.С., Емалетдинова Л.Ю. Нечётко-продукционная каскадная модель диагностики состояния

- сложного объекта // Программные системы и вычислительные методы, 2013. – №1(2)
- [5]. Бабомурадов О.Ж. Маълумотларни мантикий-лингвистик акс эттиришда кучсиз тизимлаштирилган қарор қабул қилиш стратегиясини куриш масаласи. // Узб.журн. «Проблемы информатики и энергетики», 2011г. №3, с.23-29.
- [6]. Абдуманонов А.А., Карабаев М. К. Даволаш-ташхислаш жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилишга кўмаклашувчи тизим алгоритмлари // Фарғона политехника институти ИЛМИЙ – ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ 2019 й . Т 23 –№ 2, -Б.83-90.
- [7]. Абдуманонов А.А. Модели интеллектуализации медицинских информационных систем с помощью формализации медицинских знаний// «Инновации в образовании и медицине» Материалы IV всероссийской научно–практической конференции с международным участием. –Махачкала. –27 мая 2017г. –С.28–31.
- [8]. Abdumanonov A. A., Karabayev M. K. Computerization medical institutions for the organization and optimization of clinical processes // European science review, –Austria, Vienna, 2016. – № 3–4. – P. 276–278.

УДК:621:317

## АНАЛИЗ ВИДА АППРОКСИМАЦИИ КРИВОЙ НАМАГНИЧИВАНИЯ ДЛЯ ЭЛЕКТРОМАГНИТНЫХ ПРЕОБРАЗОВАТЕЛЕЙ БОЛЬШИХ ТОКОВ

А.М. Сафаров

*Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта  
(Получена 5.02.2020 г.)*

*Мақолада катта тоқларни электромагнит ўзгартгичларнинг магнит занжирларини ҳисоблаш мақсадида магнит занжири магнитланиш эгри чизигини аппроксимациялаш кўринишини ўзгармас тоқда, ўзгарувчан тоқда, ўзгармас ва ўзгарувчан тоқда тахлили кўриб чиқилган.*

**Калим сўз ва иборалар:** *тоқ ўзгартгичи, магнит занжири, магнитланиш эгри чизиги, ўзгармас тоқ, ўзгарувчан тоқ, аппроксимация кўринишлари, аниқлик.*

*В статье произведен анализ вида аппроксимации кривой намагничивания магнитной цепи постоянного тока, переменного тока, постоянного и переменного тока с целью расчета магнитных цепей электромагнитных преобразователей больших токов.*

**Ключевые слова:** *преобразователи тока, магнитная цепь, кривой намагничивания, постоянный ток, переменный ток, виды аппроксимации, точность.*

*In the article discuss analyzes the type of approximation of the magnetization curve of a direct current, alternating current, direct current and alternating current magnetic circuit in order to calculate the magnetic circuits of high-current electromagnetic transducers.*

**Keywords:** *current transducer, magnetic circuit, magnetization curve, direct current, alternating current, types of approximation, accuracy.*

### **Введение.**

Магнитные элементы широко используются в информатике, измерительной технике, вычислительных и управляющих системах. Исследование и разработка новых преобразователей, основанных на использовании магнитных свойств материалов, является актуальным направлением при создании информационных систем [1,2].

В настоящее время известно ряд работ отечественных и зарубежных ученых, посвященных вопросам разработки методики расчетов магнитных цепей с учётом нелинейности магнитных характеристик. Однако, большинство из этих работ велись по методике, основанной на линеаризации магнитных характеристик, где частично учитываются нелинейности, что приводит к неточному расчёту, в результате чего невозможно правильно выбирать оптимальные соотношения между параметрами для получения наиболее эффективных значений основных характеристик магнитных цепей электромагнитных преобразователей больших токов (ЭМПБТ). Поэтому необходимо создать методику расчета магнитных цепей ЭМПБТ с учетом нелинейности магнитных характеристик, дающую возможность решить поставленную задачу в общем виде, что



